

“МАЪҚУЛЛАНГАН”

Давлат тест маркази Илмий-методик
кенгашининг 2016 йил 30 декабрдаги
йиғилиши 4-сон баёни қарори билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

Давлат тест марказининг
2017 йил 6 январдаги
01-08-сонли буйруғи билан

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ ТОМОНИДАН КЎРСАТИЛАЁТГАН “ЧЕТ ТИЛИНИ БИЛИШ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ ВА МАЛАКА СЕРТИФИКАТИ БЕРИШ” ЭЛЕКТРОН ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ

1. ХИЗМАТ ТАВСИФИ (ПАСПОРТ)

1.1. Хизмат номи

Чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификати бериш

1.2. Хизмат натижаси

Чет тилини билиш даражасига давлат намунасидаги малака сертификат.

Чет тилини билиш даражасига давлат намунасидаги малака сертификати тест синови натижасига мувофиқ энг юқори баллнинг 60 ва ундан юқори фоизини тўплаган талабгорларга берилади.

1.3. Хизмат кўрсатувчи орган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази
Тошкент ш., Боғишамол кўч., 12
E-mail: nafl@dtm.uz
Веб-сайт: www.nsfla.uz

1.4. Ҳуқуқий асослари

“Электрон ҳуқумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги “Чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификати бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 352-сон қарори.

1.4. Хизматдан фойдаланувчилар

Жисмоний шахслар

1.5. Сўровноманинг берилиш муддати

Сўров бериш муддати белгиланмаган

1.6. Ижро муддати

Чет тилини билиш даражаси ҳақида давлат намунасидаги малака сертификат олиш мақсадида тест синовидан ўтиш учун талабгорлар аризаларни ҳар ойда бериши мумкин. Ариза қабул қилинган кунидан бошлаб олти хафта муддат ичида тест синови ўтказилади.

1.7. Хужжатларни тақдим этиш муддати

Хизматдан фойдаланувчилар чет тилини билиш даражаси ҳақида давлат намунасидаги малака сертификат олиш мақсадида тест синовида иштирок этиш учун ариза билан мурожаат этади.

2. ХИЗМАТДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИ ХАБАРДОР ҚИЛИШ

2.1. Кенг доирада маълумот берилиши

Тест натижалари тест топшириқларининг ҳар бир бўлими (тил кўникмаси) бўйича ва умумий кўринишда Давлат тест марказининг nsfla.uz расмий сайтида эълон қилинади.

Хизматлар ва хизмат курсатиш тўғрисидаги маълумотни

- 235-74-85, 200-19-14 рақамли телефонлар ҳамда
- www.dtm.uz, www.nsfla.uz веб сайтлари орқали олиш мумкин.

2.2. Сўровнома бўйича маълумот берилиши

Сўровнома бўйича ёзма жавоб – 5 кун ичида,

Телефон орқали 9-00дан 18-00гача тест синовини ўтказиш тартиби бўйича оғзаки маълумот берилади.

2.3. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида хабардор қилиш

Интернет тармоғи веб-сайтлари ҳамда ДТМ расмий веб-сайти.

ДТМ қуйидаги манзилда жойлашган: Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси 12-уй, телефон: (0 371) 200-19-14. Мўлжал: метро “Бодомзор” бекати.

2.4. Фойдаланиладиган бланк (шакл)лар

Тест синовида иштирок этиш учун белгиланган шаклда on-line ариза берилади. Ижобий натижа (60 фоиз ва ундан юқори) кўрсатган талабгорларга чет тилини билиш даражасига давлат намунасидаги малака сертификат берилади.

3. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ

3.1. Иш вақти

Иш вақти 9-00дан - 18-00гача. Дам олиш кунлари: шанба, якшанба.

3.2. Қутиш шартлари

Чет тилини билиш даражасига малака сертификатини олиш учун тест синови ариза қабул қилинган кунидан бошлаб олти хафта ичида ўтказилади.

4. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБ – ТАОМИЛИ

4.1. Талаб қилинадиган ҳужжатлар

Чет тилини билиш даражаси ҳақида давлат намунасидаги малака сертификат олиш учун талабгор on-line ариза тўлдиради, унда талабгорнинг фамилияси, исми, отасининг исми, тест синови топширадиган тили, тил даражаси, паспорт маълумотлари, рўйхатдан ўтган манзил ва яшаш манзили, телефон рақами, шахсий электрон почта манзили, иш жойи, соғлиғи ҳақида қўшимча маълумотлар кўрсатилади. Тест топширувчилар рўйхатига кириш учун талабгор қуйидаги ҳужжатларни топширади:

- ариза;
- шахсини тасдиқловчи (паспорт, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома) ҳужжат нусхаси;
- 3,5*4,5 ўлчамли 1 дона фотосурат ва унинг электрон шакли;
- чет тилини билиш даражасини аниқлаш ва малака сертификати олиш учун тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

4.2. Хизмат кўрсатиш қиймати

Чет тилини билиш даражасига давлат намунасидаги сертификат олиш учун талабгор ариза берган кундаги энг кам ойлик иш ҳақининг 1,5 баравари миқдорида тўлов тўлайди.

4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари

1-босқич. Ойлик маошига устама ҳақ олиш учун тест синовида қатнашиш истагини билдирган ўқитувчилардан on-line ариза қабул қилинади. Ариза билан бирга шахсини

тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси, фотосурат, тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат топширилади.

2-босқич. Тинглаб тушуниш, ўқиш, лексик ва грамматик компетенциялари ҳамда ёзиш кўникмаларини баҳолаш бўйича тест синови ўтказилади.

3-босқич. Гапириш кўникмасини баҳолаш бўйича синов ўтказилади.

4-босқич. Муваффақиятли ўтган талабгорларга чет тилини билиш даражасига давлат намунасидаги малака сертификат берилади.

4.4. Хизмат кўрсатишнинг ички – идоравий босқичлари

Хизматни кўрсатиш бўйича ДТМнинг бошқа ички-идоравий жараёнлари кўзда тутилмаган

4.5. Рад этиш асослари

Чет тилини билиш даражасига давлат намунасидаги сертификат олиш учун талабгор томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тўловни тўламаслик.

5. СИФАТ ТАЪМИНОТИ

5.1. Сифат кўрсаткичлари

Хизмат кўрсатиш жараёнида ҳар бир мурожаат тегишли равишда қабул қилинади ва қайта ишланади, қисқа муддат ичида ҳар бир мурожаатга зудлик билан жавоб берилади.

5.2. Сифатсиз кўрсатилган хизмат учун шикоят

Тест синовлари натижаларидан норози бўлган ўқитувчилар тегишли босқичлар бўйича натижалар эълон қилинган кундан бошлаб беш иш куни ичида апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга.